

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Үн.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПЎЛАТОВ АЗИЗХОН САИДАҚБАРОВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУВОҲНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИ ВА
УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Пўлатов Азизхон Саидакбарович

Жиноят процессида гувоҳнинг мақоми ва уни такомиллаштириш масалалари 3

Пулатов Азизхон Саидакбарович

Процессуальный статус свидетеля в уголовном процессе и вопросы его совершенствования 31

Pulatov Azizkhon Saidakbarovich

Procedural status of a witness in criminal proceedings and issues of its improvement..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/13.05.2020.Үн.22.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ПЎЛАТОВ АЗИЗХОН САИДАҚБАРОВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ГУВОҲНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИ ВА
УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Yu509 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар :

Мухитдинов Фахритдин Мухитдинович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тулаганова Гулчехра Захитовна
юридик фанлар доктори, профессор

Файзиев Шохруд Фармонович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « 14 » сентябрь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.:(99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1049-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил « 30 » август куни тарқатилди.

(2022 йил 30 августдаги 5-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

М.М.Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

М.Қ.Ўразалиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноят процессининг муҳим иштирокчиси бўлган гувоҳнинг процессуал мақоми ва уни такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда, чунки айнан ишончли гувоҳлик одил судлов тизимида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, адолатли ва асосли қарор қабул қилишнинг муҳим қафолати ҳисобланади. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид Конвенцияси, уни тўлдирувчи протоколларда иштирокчи давлатлар гувоҳларни кўрқитиш, мажбурлаш ва оғдиришга қарши зурур чораларни кўриш ва бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга чақирилган¹, гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашга оид дастурлар қабул қилиш ва уни бажаришга алоҳида эътибор қаратилган. БМТнинг наркотиклар ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг уюшган жиноятчилик билан боғлиқ жиноят ишларини юритишда гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашга оид тавсияларида иштирок этувчи 40 та давлатнинг гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашни назарда тутувчи дастурлари ўрганилганда, 33% давлатларда бундай дастурлар мавжуд эканлиги, 9%да дастурлар шакллантириш жараёнида эканлиги, 42%да бошқа тарздаги хавфсизлик чоралари мавжудлиги, 16%да ҳимоя чоралари мавжуд эмаслиги аниқланган².

Жаҳонда гувоҳларнинг процессуал мақомини такомиллаштириш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, гувоҳларни ҳимоя қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, халқаро стандартларга мувофиқ суд-тергов фаолиятини йўлга қўйиш, дастлабки тергов ва суд жараёнида гувоҳлар кўрсатувлари ишончилигини таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш, қонунчиликни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда гувоҳларнинг холислигини таъминлаш, жиноят иши учун аҳамиятли маълумотларни гувоҳлар томонидан тўлиқ ва ҳаққоний етказилиши ва, аксинча гувоҳлар эга бўлган маълумотларни тўғри ва холис қабул қилиш, уларнинг хавфсизликларини таъминлашнинг процессуал чораларини кучайтириш, гувоҳларга тақдим этилган процессуал имтиёзларга оид муаммолар, жиноят-процессуал муносабатлар моделларига мансубликдан ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий ривожланганлик даражасидан қатъи назар, барча мамлакатларнинг жиноят-процессуал ҳуқуқи учун долзарб масалалар сирасига киради. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Қонун - устувор, жазо - муқаррар»

¹Конвенция Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности. <https://lex.uz/docs/1304112> (мурожаат санаси 13.01.2021 й.)

²Рекомендуемые виды практики в области защиты свидетелей при производстве по уголовным делам, касающимся организованной преступности. Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. [https://www.unodc.org/documents/organized-crime/V0853366%20WP%20Good%20Practices%20\(R\).pdf](https://www.unodc.org/documents/organized-crime/V0853366%20WP%20Good%20Practices%20(R).pdf) (мурожаат санаси 13.01.2021 й.)

тамойили бу борадаги ислохотларнинг бош мезонга айлантириш белгиланди³.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, ҳар йили жиноят ишларини тергов ва судда юритиш доирасига тахминан 55 миллион киши жалб қилинади. Бу соҳада Ўзбекистон Республикасида ҳам ҳар йили олтмиш мингга яқин жиноят ишлари қўзғатилади, улардан 45-50 мингдан ортиқ ишлар судларга юборилади⁴. Жиноят ишларини муҳокамаси жараёнида тахминан камида икки-уч гувоҳ суд томонидан сўроқ қилинади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, йилига тахминан бир юз эллик мингга яқин киши жиноят ишларини юритиш чоғида гувоҳ сифатида иштирок этади. Худди шу маълумотлар тадқиқот мавзусининг муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Шубоис, мавзуга доир гувоҳларнинг процессуал-ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда мажбуриятларини бажариш, уларнинг хавфсизлигини процессуал таъминлашга оид муаммоларни диссертация даражасида таҳлил қилиш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” (2020), “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таррақиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимлари – Ғ.А.Абдумажидов, Б.П.Пўлатов, Ю.С.Пўлатов, З.Ф.Иноғомжонова, Д.М.Миразов, Ф.М.Мухитдинов, Й.Рахимов, С.М.Рахмонова, У.А.Тухташева, Г.З. Тўлаганова, Қ.Қ.Маткаримов, А.Алламуратов, А.И.Тошпўлатов, Б.А.Мўминов, Д. Суюнова, Л. И. Астанова, Д. Б. Базарова,

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланганянгги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси» ПФ-60-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси// www.lex.uz.

⁴Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йилдаги статистик маълумотлар тўпламидан

томонидан тайёрланган илмий ишлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликларда гувоҳнинг процессуал-ҳуқуқий мақомининг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Жумладан, Й.Раҳимов сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг умумий шартларининг ўзига хос хусусиятларини (1992), Қ.Қ.Маткаримов гувоҳ иммунитетини илмий-назарий жиҳатларини (2009), А.Алламуротов жиноят процессида иммунитет институтининг тарихий ривожланиш босқичлари ва ҳозирги ҳолатига (2004), Л. И. Астанова жиноят процессида гувоҳнинг мақоми (1993), Д. Б. Базарова гувоҳ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда адвокат иштирокининг мақоми ва вазифаларига (2016) оид муаммоларни ўрганиб чиққанлар.

МДҲга аъзо мамлакатларида – М.Ю.Брежнева, Н.А.Власова, И.В.Вельша, Л.М.Карнеева, Н.Ю.Литвинцова, А.В.Макеева, В.В.Николюк, Н.Е.Павлова, Н.И.Порубовалар гувоҳнинг процессуал мақоми, унинг исботлаш фаолиятидаги иштирокининг шакли, мазмун ва моҳияти масалаларида тадқиқот ишлари олиб борганлар. Шу билан бирга, В.П.Божьев, И.Л.Петрухин, С.М.Апарин, В.Л.Будников, С.В.Лукошкина, С.Ю.Никитин, М.П.Фадеева, Д.П.Чекулаев, В.И.Афанасьева, М.А.Баранова, К.Ф.Карибов, М.С.Каковкин, Н.Ю.Литвинцева, М.М.Шейфер, Л.В.Брусницын, О.В.Химичева, А.Ю.Епихин, О.А.Зайцев, Л.В.Головко, В.И.Крайнов ва бошқаларнинг мавзуга оид ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим⁵.

V.Vindich, M.Durson, V.Kostovsky, B.Habers, A.Ashworth, A.N.Akhpanova, P.L.Vigna, N.S.Karpova, H.K.Murphy, D.V.Norf, E.Pearson, P.Finn ва бошқаларнинг тадқиқотларида гувоҳларнинг жиноят процессидаги вазифаларига ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашга оид айрим масалалар кўриб чиқилган.

Мазкур тадқиқотлар таҳлилидан кўриш мумкинки, уларнинг аксар қисми мамлакатимиз ЖПКнинг қабул қилингунга қадар амалга оширилган ва жиноят процессида гувоҳнинг процессуал мақоми ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Одил судловни амалга ошириш муаммолари (Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш, ва уни қўллаш амалиёти муаммолари)» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилигида гувоҳнинг ҳуқуқий мақомини ташкил қилувчи нормаларни таҳлил қилиш, бу соҳадаги илмий-амалий концептуал ёндашувларни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

⁵Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган

Тадқиқотнинг вазифалари:

гувоҳнинг процессуал мақоми тушунчасига аниқлик киритиш ҳамда мавзуга тааллуқли илмий тадқиқотлар, хориж мамлакатларнинг қонунчилик амалиёти асосида гувоҳ мақоми тушунчасини таҳлил қилиш;

“гувоҳ”, “гувоҳ мақоми”, “гувоҳ имтиёзи” каби тушунчаларини қайта мушоҳада этиш ҳамда гувоҳ имтиёзлари билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш;

сўроқ қилиш мумкин бўлмаган шахсларнинг процессуал-ҳуқуқий хусусиятларини тадқиқ қилиш;

вояга етмаган гувоҳларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

жисмоний нуқсонларга эга бўлган гувоҳларни сўроқ қилишнинг хусусиятларини очиқ бериш;

тахаллусга эга гувоҳнинг хавфсизлигини таъминловчи процессуал усул ва воситаларни комплекс ўрганиб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти гувоҳнинг ҳуқуқ ва қонуний мажбуриятларини амалга ошириш ҳамда гувоҳнинг хавфсизлигини процессуал таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят ишларини юритишда гувоҳнинг процессуал мақомини тартибга солувчи миллий, халқаро ва хориж мамлакатларидаги ҳуқуқ нормаларининг ривожланиш йўналишлари, уларни қўллаш амалиёти ҳамда гувоҳнинг жиноят процессидаги иштирокига оид илмий-назарий қараш ва ёндошувлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини ёзишда формал мантиқ, тизимийлик, тарихий ривожланиш, қиёсий-ҳуқуқий, амалиётда юритилган жиноят ишларининг ҳамда статистик маълумотларнинг таҳлили, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилишда иштирок этувчи қонуний вакил ёки катта ёшдаги яқин қариндошлар, педагог ёки жабрланувчининг вакили сўроқ қилиш тергов ҳаракатларида сўроқ қилувчи шахснинг рухсати билан гувоҳ ёки жабрланувчига саволлар беришлари мумкинлиги ҳақидаги процессуал қоидаларнинг қонунга киритилиши кераклиги асосланган;

вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш стенографияси, улар кўрсатувларининг аудио ва видеоёзувларини далиллар манбаи сифатида сўроқ қилиш баённомасига, суд муҳокамаси баёнига қўшиб қўйишнинг зарурлиги исботланган;

ишни судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйишнинг муҳимлиги ва объектив сабабларга кўра Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетиши, уларда жиноят ишини юритишда иштирок этишини истисно қиладиган оғир ва давомли касаллик мавжудлиги ёхуд

уларнинг хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назарида ишни судга қадар юритиш ёки суд муҳокамаси чоғида кейинчалик сўроқ қилиш мумкин бўлмай қолади, деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганида, уларнинг кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйилиши мумкинлиги асослаб берилган;

гувоҳ ёки жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш шартлари, тартиблари ҳамда гувоҳ ва жабрланувчини (фуқаровий даъвогарни) қайта сўроқ қилиш тартибга оид таклифлар асослантилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган;

гувоҳ жиноят процессининг мунтазам иштирокчиси ва исботлаш жараёнининг муҳим субъекти; унинг мақоми жиноят иши бўйича аниқланиши зарур бўлган ҳолат ҳақида маълумотга эгаллиги; судда, суриштирувда ёки терговда кўрсатув бериш иқтидорининг мавжудлиги ҳамда кўрсатув бериш иқтидорини бевосита амалга ошира олиш имкони ва қобилиятдан иборат шахс каби белгилари мавжудлиги ҳақида хулоса шакллантирилган;

миллий, хориж ва халқаро процессуал-ҳуқуқий нормаларнинг таҳлили асосида гувоҳ тушунчасига – жиноят иши бўйича аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар ҳақида маълумотга эга ҳамда ишни суд, суриштирув ёки тергов босқичларида юритиш чоғида кўрсатув бериш иқтидори мавжуд бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида иштирок этиши мумкинлиги ҳақидаги муаллифлик тарифи берилган;

жиноят процессида жиноят ҳақидаги маълумотга эга шахсларнинг – иш бўйича маълумотга эга, лекин жиноят ишига жалб қилинмайдиган; иш бўйича маълумотга эга, аммо жиноят процессига ўз ихтиёри билан жалб қилинадиган; жиноятнинг шоҳиди бўлган, лекин жисмоний-руҳий ҳолатлари туфайли жиноят процессига жалб қилинмайдиган; иш бўйича маълумотга эга ва жиноят процессига гувоҳ сифатида жалб қилинадиган шахсларнинг структуравий хусусиятлари очиқ берилган;

жиноят ҳақида маълумотга эга шахсларни жиноят процессига жалб қилишда – маълумотга эгаллиги, кўрсатув бериш учун чақирилиши, ҳуқуқий лаёқати, кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга бўла туриб, кўрсатув бериш ихтиёрининг мавжудлиги каби процессуал-ҳуқуқий асослар очиқ берилган;

айрим хорижий давлатлар тажрибаси ва қонунни қўллаш амалиётини ўрганиш асосида гувоҳ мақомининг – жисмоний шахс, иш бўйича маълумотга ва ҳуқуқий лаёқатга эгаллик, ишни юритувчи томонидан расман чақирилганлик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таъминланганлик, манфаатга эга эмаслик, ўзига иш бўйича маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятига эгаллик каби белгилари асослаб берилди;

гувоҳнинг мажбуриятлари тергов ҳаракатларини амалга ошириш механизмнинг зарурий элементи эканлиги эътироф этилиб, ЖПКнинг

66-моддаси иккинчи қисмида белгиланган гувоҳнинг мажбуриятларини – ўзида бўлган ашёларни, ҳужжатларни, намуналарни қиёсий тадқиқ қилиш учун ишни юритувчи шахсга тақдим этиш; жиноят ишини юритувчи шахс талаби билан гувоҳлантиришга розилик билдириш ёки экспертизадан ўтиш каби мазмун билан тўлдириш ҳақида таклифларшакллантирилган;

жисмоний имкониятлари чегараланган, ёш болали аёллар, 18 ёшга тўлмаган шахсларни сўроқ қилиш вақтини тартибга солишда умумижтимоий характерга эга бўлган қоидаларни эътиборга олиш муҳим эканлиги ҳақидаги фикрлар асосланиб, ЖПКнинг 107-моддасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти кўрсатиб берилади;

гувоҳ ва жабрланувчи сифатида кўрсатув бермаслик ҳуқуқидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштириш, бунда кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг доирасини кенгайтириш, шунингдек жиноят процессида кўрсатув бермаслик имтиёзини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят ҳуқуқи назариясида умумэтироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган.

Жиноят ишларини юритиш жараёнида гувоҳнинг процессуал мақомининг ўзига хос хусусиятларига оид масалалар юзасидан 410 нафар яқин суриштирувчи, терговчи, судья ва ҳуқуқшунослар (Судьялар олий мактаби тингловчилари, изланувчи ва олимлар), адвокатлар ҳамда жиноят ишларини юритишда иштирок этаётган жабрланувчилар, гувоҳлар, айбланувчилар, экспертлар орасида сўровлар ўтказилган; тадқиқ этилаётган мавзу билан боғлиқ жиноятларга доир 200 та суд ҳукмлари ўрганилган; статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгусида илмий фаолиятда, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, суд-тергов органлари фаолиятида, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқи, тезкор-қидирув ҳуқуқи, далиллар назарияси каби фанларни илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, келажакда гувоҳнинг процессуал мақомини, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш муаммоларини ўрганиш, гувоҳларга тақдим этилган имтиёзларнинг асослари ҳамда уларнинг хавфсизлигини процессуал таъминлаш борасида жиноят-

процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш учун методологик пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гувоҳнинг процессуал мақомини, унга қонун билан тақдим этилган имтеёзларнинг хусусиятларини ҳамда процессуал хавфсизлик чораларини кучайтириш йўллари тадқиқ этиш натижалари асосида:

Вояга етмаган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш қонуний вакили ёки катта ёшдаги яқин қариндошлари, педагог ёки жабрланувчининг вакили иштирокида уларнинг розилиги билан ўтказилиши зарурлиги ҳақидаги таклифлардан 2019 йил 6 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (ЎРҚ-587-сон) 121-моддаси биринчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 06-10/2308-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши вояга етмаган гувоҳларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини кучайтиришга хизмат қилган;

Вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш стенографияси, улар кўрсатувларининг аудио ва видеоёзувларини далиллар манбаи сифатида сўроқ қилиш баённомасига, суд муҳокамаси баёнига қўшиб қўйишнинг зарурлиги тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сонли Қонуннинг 121-моддаси олтинчи қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 06-10/2308-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши жиноят процессида далиллар мақомига эга маълумотларни сақлаш ҳамда ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилган;

Гувоҳ ёки жабрланувчининг ишни судга қадар юритиш босқичида кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 18 февралдаги ЎРҚ-675-сонли Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 121-бобига оид нормаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 06-10/2308-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, далиллар базасини кенгайтириш, жиноят ишлари бўйича исботлаш фаолияти имкониятларини кўпроқ таъминлашга хизмат қилган.

Диссертация (PhD) натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси ЖПК янги лойиҳаси 71-моддаси 10-бандини (ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига доир, шу жумладан,

хавфсизлик чораларини кўриш тўғрисида илтимосномалар бериш), 108-моддаси 1-қисми (Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ёки электрон алоқавоситалари ёрдамида ҳам бўлиши мумкин), 122-моддасининг 2-қисми (Юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида адвокат ва адвокатлик тузилмасининг бошқа ходими гувоҳ ёки жабрланувчи сифатида сўроқ қилинмаслиги)га оид нормаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 26 майдаги № 27/2-51637-21-сон маълумотномаси).

Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси. Ушбу диссертация тадқиқоти натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 12 та илмий мақола (4 таси хорижий нашрларда) 5 та илмий конференция тўпламларида ва шулардан чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Жиноят процесси исботлаш тизимида гувоҳнинг ўрни ва мақоми**» номли биринчи бобида жиноят процессида гувоҳ тушунчаси ва унинг мақоми, гувоҳнинг жиноят процессидаги иштирокини таъминловчи процессуал-ҳуқуқий асослар, гувоҳнинг исботлаш фаолиятидаги ўзига хос ўрни ва роли, кўрсатувларининг жиноят-процессуал муносабатлардаги аҳамияти каби масалалар таҳлил қилиниб, уларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган.

Диссертантнинг нуктаи назарича, исботлаш одил судлов юритувининг марказий ва мунтазам такрорланиб турувчи асосий муаммоси ҳисобланади. Зеро ишнинг ҳолатларини тўғри ва тўлиқ аниқлаш – ҳақиқатга эришишнинг асосий шarti, қолаверса унинг ягона процессуал-ҳуқуқий воситасидир. Шу

боис тадқиқот ишида исботлаш тушунчасига оид турли илмий ёндошувлар, жумладан процессуалист олимлардан: А.Р.Белкин, Ю.И.Стецовский ва А.М.Ларинларнинг исботлаш фаолиятининг процессуал аҳамияти ва вазифаларига доир фикрлари таҳлил қилиниб, гувоҳ кўрсатувларининг исботлаш фаолиятидаги ўрни ва ролини асослашга ҳаракат қилинади.

Шунингдек гувоҳ тушунчаси жиноят процессида баҳсли жиҳатларга асосланган бўлиб, уни шакллантиришда уч элементга таяниш зарур. Булар: а) *жиноят иши бўйича аниқланиши зарур бўлган ҳолат ҳақида маълумотга эгалик*; б) *судда, суриштирувда ёки терговда кўрсатув бериш иқтидорининг мавжудлиги*; в) *кўрсатув бера олиш иқтидорини бевосита амалга ошириш* каби элементлардир. Ушбу тушунча элементлари асосида ишда “гувоҳ”га қуйидаги муаллифлик таърифи берилган: *жиноят иши бўйича аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар ҳақида маълумотга эга, ишни суд, суриштирув ёки тергов босқичларида юритиш чоғида кўрсатув бериш иқтидори мавжуд бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида иштирок этиши мумкин.*

Бундан ташқари, гувоҳнинг мақомини ва у амалга оширадиган процессуал вазифаларнинг табиатини тушунишда гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тушунишнинг манбаи ҳисобланади. Диссертацияда таъкидланишича, гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари – *ишда гувоҳ сифатида иштирок этаётган шахснинг жиноят процессидаги вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳулқ-атвори хусусиятларини акс эттириб, гувоҳнинг ҳаракатланиш эркинлиги, имкониятлари, шунингдек муайян ҳаракатлардан тийилиш ва шундай ҳаракатлар содир этилганда юз берадиган оқибитлар ҳақидаги маълумотлар йигиндисидир.*

Тадқиқотчи гувоҳ тушунчасига оид МДХга аъзо мамлакатлар ва Англия, ГФР, Франция, Испания, Италия, Япония каби ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунлари таҳлиliga асосланиб, гувоҳнинг қуйидаги белгилари очиқ берилган: 1) **гувоҳ** – ҳар доим ҳам *жисмоний шахсдир*; 2) *жиноят ҳодисаси ёки ишга тааллуқли ҳолатлар бўйича маълумотга эга бўлган шахс*; 3) *ҳуқуқий лаёқатга, яъни муайян ҳодисани эслаб қолиш, идрок этиш ва тўғри етказиб бера олиш иқтидорига эга бўлган шахс*; 4) *расмий процессуал жиҳатдан жиноят ишини юритиш жараёнига жалб қилинган (таклиф этилган, чақирилган) шахс*; 5) *жиноят процессининг субъекти сифатида қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахс*; 6) *процессуал манфаатга эга бўлмаган процесс иштирокчиси*; 7) *умумҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан жиноят иши юзасидан ўзига маълум бўлган маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятига эга бўлган ёки маълумотларни ошкор қилмаслик ҳуқуқидан озод этилган шахс.*

Шу билан бирга, тадқиқот ишида одил судловни амалга оширишга қаратилган халқаро ҳужжатларда, МДХга аъзо мамлакатлар ҳамда АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Испания, Италия, Франция каби ривожланган давлатлар қонунчилигидаги гувоҳнинг ҳуқуқ ва манфаатларига доир норматив қоидалар кўриб чиқилиб, уларнинг айримларини миллий жиноят-процессуал қонунчилигига имплементация ва трансформация қилишнинг

усул ва методлари асослантирилади. Диссертантнинг фикрича, гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи процессуал нормалар қуйидаги мазмун ва ҳажмда: 1) *гувоҳ қандай ҳолатлар юзасидан ва қайси жиноят иши бўйича сўроқ қилинаётганлигини билиши*; 2) *ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши имкониятлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиши*; 3) *товушини ва ташқи қиёфасини ўзгартириб, видеоконференция орқали кўрсатув бериш ҳуқуқига эга бўлиш*; 4) *ўз хавфсизлигини таъминлаш борасида дастлабки терговни юритувчи шахсга ёки судга илтимоснома киритиши*; 5) *агар гувоҳнинг кўрсатуви ўзига, шунингдек яқинларига қарши далил сифатида фойдаланиши имконини берадиган бўлса, бундай ҳолатлар бўйича кўрсатув бермаслик*; 6) *қонуний вазифаларини бажариш учун сарф қилган харажатларининг тўлаб берилишини талаб қилиши*; 7) *дастлабки тергов вақтида ундан олиб қўйилган нарсаларни қайтариб берилишини талаб қилиши ҳуқуқлари ҳамда* 8) *ўзида бўлган ашёларни, ҳужжатларни, намуналарни қиёсий тадқиқ қилиши учун ишни юритувчи шахсга тақдим этиши*; 9) *жиноят ишини юритаётган шахснинг талаби билан гувоҳлантиришга розилик билдириши ёки экспертизадан ўтиши мажбурияти кенгайтирилиши лозим.*

Илмий ишда эътироф этилганидек, “кўрсатув бериш” тушунчаси жиноят процессида гувоҳ амалга оширадиган вазифанинг ўзагини ташкил қилади. Зеро гувоҳ ўзига маълум бўлган жиноят иши учун аҳамиятли маълумотларни суриштирувчи, терговчи ва судга жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда кўрсатув бериш шаклида етказиш имконига эгадир. Жиноят процесси назариясида “гувоҳ кўрсатуви” тушунчасини аниқлашга уринишларни кузатиш мумкин. Ишда С.А.Новиков, В.В.Молчанов, Л.И.Астанова ва бошқа процессуалист олимлар фикрларининг таҳлили асосида, муаллиф гувоҳ кўрсатувлари маъно-мазмунининг уч жиҳатига эътиборни қаратади. 1) *иш учун аҳамиятли маълумотга эга шахс*; 2) *иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумот*; 3) *қонунда белгиланган тартибда ва шаклда иш учун аҳамиятли бўлган маълумотни жиноят ишини юритувчи шахсга етказиш*. Мазкур тушунчалар пойдеворида тадқиқот ишида гувоҳ кўрсатувининг қуйидаги англаш модели таклиф этилади: **гувоҳ кўрсатуви – бу шахс – маълумот – маълумотни етказиш – ушбу жараёни расмийлаштириш** тушунчаларининг ўзаро уйғунлигидан ташкил топган. Бу тушунчаларда “маълумотни етказиш” муҳим элемент сифатида вужудга келсада, маълумотларни олишнинг асосий процессуал воситаларидан бири жиноят ҳодисаси бўйича маълумотга эга бўлган шахсни сўроқ қилишдир.

“Сўроқ қилиш” тушунчаси олимлар ўртасида бахсларга мавзу бўлиб келганлигини эътироф этиб, диссертант бу борада И.Е.Козирева, Т.А.Шмарова, А. А.Леви ва бошқа олимларнинг фикрлари билан мунозарага киришиб, сўроқ қилиш тергов ҳаракати билан боғлиқ процессуал муносабатлар шакли гувоҳ учун ўзида мавжуд бўлган маълумотларни етказиш воситаси, жиноят ишини юритувчи шахс учун эса – бу жиноят ишига тааллуқли далилларни тўплаш усусли эканлиги тўғрисидаги нуқтаи назарни асослашга уринади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, гувоҳнинг

кўрсатувларидаги маълумотлар суриштирувчи, терговчи, суд томонидан текширилган ва баҳолангандан сўнг ишни ҳал қилиш учун далил сифатида фойдаланилиши мумкин.

Муаллиф гувоҳни сўроқ қилиш учун чақиришда жиноят процессида асосан икки вазифа бажарилади; *биринчиси*, гувоҳни жиноят-процессуал муносабатларга киришиш ва процессуал мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун асосий ҳужжат ҳисобланади; *иккинчиси*, шахснинг чақирувга бўлган муносабати орқали гувоҳнинг ўзига юклатилган процессуал вазифани бажаришга бўлган ёндошувини аниқлаш мумкин бўлади, дейди. Биринчи ҳолат процессуал-ҳуқуқий аҳамитга эга бўлса, иккинчи ҳолат, криминалистик-тактик чораларга оид масала ҳисобланиб, ушбу ҳолат сўроқни режалаштиришда эътиборга олинаши керак.

Диссертация ишининг «**Жиноят процессида гувоҳ иммунитетига оид муаммолар**» номли иккинчи бобида жиноят процессида гувоҳ иммунитетини тушунчаси ва уни таъминлаш асослари, сўроққилиниши тақиқланган мумкин бўлмаган шахсларнинг процессуал-ҳуқуқий хусусиятлари, ихтиёрий гувоҳликнинг муҳим процессуал-ҳуқуқий ва ташкилий-функциявий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Диссертация ишида “иммунитет” тушунчасининг назарий-ҳуқуқий асослари, унинг ижтимоий ва процессуал-ҳуқуқий муносабатлардаги ўрни, мақоми ва аҳамияти ҳамда вазифаларига оид фикрлар таҳлил қилинади. Муаллиф, жиноят-процессуал қонунчилигида иммунитет ҳуқуқи *моҳиятан* икки элементдан: *биринчиси*, иммунитет ҳуқуқи тартибга соладиган муайян процессуал-ҳуқуқий муносабатлар – унинг объекти, яъни иммунитет билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, кечиши ва тугалланишининг процессуал тартиби ҳамда иштирокчиларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми, йўналиши ва мазмуни сифатида намоён бўлади, дейди. Иммунитет ҳуқуқининг объекти деганда, муаллиф процессуал қонун кимларга қайси шартларда қандай процессуал имтиёزلарни тақдим этиш мумкинлиги ҳақидаги тушунчаларни аниқлаш зарурлигини белгилаган. Ушбу имтиёзлар ҳуқуқий муносабатлар нуктаи назаридан объектив ва субъектив асосларга эгаллигини таъкидлайди. *Объектив* асослар, диссертантнинг фикрича, қонунда иммунитетнинг вужудга келиши билан боғлиқ умумий қоидаларни, унинг амал қилиш вақти ва чегараларини ҳамда шартларини белгилайди. *Субъектив* ҳуқуқий асослар эса, худди шу ҳуқуқларнинг шахс томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ ҳуқуқ ва эркинликларни назарда тутаяди. Иммунитет ҳуқуқининг моҳиятини акс эттирувчи *иккинчи* элемент – бу иммунитет ҳуқуқи тақдим этилган субъектлардоираси билан боғлиқ. Айнан иммунитет ҳуқуқининг субъектлари унинг объектив хусусиятини, нормалар мазмуни ва йўналишини, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳажминини англашда асос сифатида хизмат қилади.

Муаллиф, жиноят процессида иммунитет институтининг ўзига хос вазифаси мавжуд бўлиб, у жиноят процессининг айрим иштирокчиларига тақдим этилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни қўриқлашга қўшимча қафолатлар сифатида хизмат қилади, дейди ва иммунитет институти барча

фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги тўғрисидаги конституциявий принципнинг рўёбга чиқарилиши шакли ҳамдир. Негаки айрим тоифадаги шахсларнинг иммунитет ҳуқуқи билан таъминланиши, маънавий зарурият бўлиб, қонун нормаларининг инсонпарварлик моҳиятини акс эттиради.

Илмий ишда Ф.А.Агаев, А.Т.Алламуратов, И.В.Вельш, С.Ю.Никитин, Л.И.Малахова, Қ.Маткаримов, К.П.Федякин, Г.Г.Чачина ва А.А.Чувилев каби олимларнинг илмий қарашлари таҳлил қилиниб, гувоҳларни кўрсатув бериш мажбуриятидан ҳимоя қилувчи иммунитет ҳуқуқини таъминлашнинг қуйидаги юридик-ҳуқуқий сифатлари аниқланди: а) *ҳуқуқ субъектининг муайян мажбуриятларни бажаришдан озод қилиниши*; б) *мажбуриятларни бажармаганлиги учун келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарликка тортилмаслиги*; в) *ҳуқуқий мажбуриятларни бажаришга мажбур этувчи процессуал механизмларнинг ишга солинмаслик кафолатининг мавжудлиги*; г) *баъзи ҳолатларда иммунитет ҳуқуқига эга бўлган шахсда ундан воз кечиши ихтиёрининг мавжудлиги*.

Шу билан бирга, тадқиқот ишида назарий ёндошувларнинг таҳлили асосида иммунитет ҳуқуқининг ўзига хос тизмили таркибини шакллантиришга уринилган. Изланувчининг нуқтаи назарича, жиноят процессида иммунитет ҳуқуқи қуйидаги таркибий элементлардан ташкил топган: а) *жиноят-процессуал иммунитет фақат процессуал-ҳуқуқий муносабатларда вужудга келади, кечади ва тугалланади*; б) *иммунитет ҳуқуқи кўпқиррали ва алоҳида тоифали характерга эга (институтлар ва субинститутлар)*; в) *иммунитет ҳуқуқи процессининг айрим иштирокчиларига уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомлари ва жамиятда бажарадиган роллари туфайли тақдим этилади*; г) *иммунитет ҳуқуқи эгасини муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишдан ёки уларга нисбатан процессуал мажбурловни қўллашдан ҳимоя қилишга қаратилган*; д) *иммунитет ҳуқуқи унинг эгаси томонидан амалга оширилиши ҳамда жиноят ишини юритувчи шахсларнинг мажбуриятларни бажариш механизми асосида таъминланади*.

Муаллифнинг фикрича иммунитет ҳуқуқидан фойдаланишнинг асосан уч тури: а) *буткул*; б) *чегараланган* ва в) *аралаш* иммунитет ҳуқуқидан фойдаланиш ҳажмларимавжуддир. Диссертацияда иммунитет ҳуқуқининг мазкур турларининг ҳар бирини алоҳида процессуал-ҳуқуқий хусусиятлари, уларнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ижтимоий аҳамияти очиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакилларига тегишли бўлиб, улар ишда гувоҳ иммунитетини тушунчасига оид қарашлар таҳлилига асосланиб, уни бир мунча тўлдириш зарур деган қатъий фикр илгари сурилиб, гувоҳ иммунитетини ҳуқуқининг оид қуйидаги муаллифлик турифи ишлаб чиқилган: *гувоҳлик иммунитетини сўроқ қилинувчи шахснинг жиноят ишини ҳал қилиши учун аҳамиятли маълумотларни ўзи ва яқин қариндошларига ёхуд хизмат ва ижтимоий фаолиятга оид маълумотларни сўроқ қилувчига ошкор қилиши мажбуриятдан озод*

этилишини, сўроқ қилувчининг сўроқ қилинувчининг шундай ҳуқуқларга эгаллигини тушунтириши мажбуриятини назарда тутувчи ҳамда ушбу ҳолатни расмийлаштириши қоидаларини тартибга солувчи процессуал нормалар йиғиндисидир.

Диссертант гувоҳ (айнан гувоҳ) ўзига ва ўзининг яқинларига қарши кўрсатув беришдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим деган фикрни ҳимоя қилиб, бу борада Азарбайжон Республикаси (ЖПК 95-м 2-қ), Беларусь Республикаси (ЖПК 60-м 2-қ), Тожикистон Республикаси (ЖПК 56-м 2-қ), Қозоғистон Республикаси (ЖПК 78-м 3-қ), Молдова Республикаси, Эстония ва бошқа республикалар қонунчиликларини ўрганиш асосида, гувоҳнинг ўзига “қарши гувоҳлик бериш” мажбуриятдан озод бўлиш ҳуқуқига доир айрим муаммоли масалаларга оидинлик киритишга, яъни гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ (жабрланувчи) тариқасида кўрсатув беришдан воз кечиш ҳуқуқи фақат бир маротабалик процессуал ҳодиса деб ҳисобланиши лозим. Ушбу ҳуқуқдан воз кечиб, кўрсатув бериш ҳуқуқидан фойдаланиш шахслар (яқин қариндошлар) кейинчалик жиноят процессининг барча босқичларида кўрсатув бериш мажбуриятини юзага келтиради.

Юқоридагиларга таяниб, тадқиқотчи ЖПК 116-моддасини такомиллаштириш зарур деган ҳулосага келган, унинг ўзига хос тўрт қуйидаги жиҳатларини таклиф этган: 1) “*қарши гувоҳлик беришда*” яқин қариндошлар тушунчаси ва уларнинг доирасини аниқ белгилаш (яқин қариндошлар доирасини аниқлашда айнан улар билан узвий ва мунтазам оила-турмуш муносабатларига эга бўлган шахсларни назарда тутиш); 2) *гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яқин қариндошлари томонидан бериладиган кўрсатувларнинг гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига боғлиқ ҳолатлар ҳақидаги мазмунини эътиборга олиш* (яъни яқин қариндошларнинг кўрсатувлари гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг процессуал манфаатларига зид бўлмаслиги лозим); 3) *жиноят иши бўйича гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига тааллуқли ҳолатларни баён қилиш масаласида “сукут сақлаш” ҳуқуқини таъминлаш зарурлиги* (яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг процессуал манфаатларига (шунингдек, яқин қариндошларнинг ўзларининг ҳам манфаатларига) зиён етказадиган, ҳимоя ҳуқуқларини паймол қиладиган мазмунга эга ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмаслик ҳуқуқи билан уйғун ҳолда тушунилиши лозим); 4) *гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг яқин қариндоши сифатида жабрланувчининг гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида кўрсатув бериш ихтиёри масаласига аниқлик киритиш* (яъни жиноятдан жабр кўрган шахс жабрланувчи деб расмийлаштирилиши биланоқ, ўзининг яқин қариндоши – гумон

қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига тааллуқли ҳолатлар бўйича кўрсатув беришдан воз кечиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши лозим).

Кўриб чиқилган масалага оид фикрларнинг таҳлили асосида амалдаги ЖПК бир қанча нормаларига, хусусан: 36 ва 38¹-моддаларининг биринчи қисмларига, 382-моддаси учинчи қисми 5-бандига ҳамда янги “Гувоҳ иммунитетини тақдим этиш ва гувоҳ иммунитетидан озод этиш”га оид процессуал муносабатларни тартибга солувчи алоҳида янги 12¹-бобни жорий этиш борасида таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқган.

Диссертациянинг **“Жиноят ишларини юритишда алоҳида тоифадаги шахсларнинг гувоҳ сифатидаги иштирокининг хусусиятлари”** деб номланувчи учинчи бобида сўроқ қилиш, гувоҳларга тақдим этилган имтиёзларни такомиллаштириш масалалари, вояга етмаган гувоҳ процессуал мақомининг ўзига хос хусусиятлари, ундан кўрсатувлар олишни тартибга солувчи процессуал муносабатларни такомиллаштириш йўналишлари, жисмоний ва руҳий носоғлом шахсларни сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда гувоҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, уларнинг хавфсизликларини кўриқлаш муаммоларини ҳал этишга доир муаммолар кўриб чиқилади.

Тадқиқотда вояга етмаган гувоҳларнинг процессуал мақомини такомиллаштиришни назарда тутувчи илмий-назарий ҳамда амалий муаммолар таҳлил қилиниб, “вояга етмаган шахс” тушунчаси жиноят процессида икки жиҳати билан ажралиб туриши ҳақидаги нуқтаи назарни асосланган. Диссертаннинг фикрича, жиноят процессида “вояга етмаган шахс” тушунчаси *умумий*, яъни шахс (фуқаро) муомала лаёқатини ҳамда *махсус*, яъни процесс иштирокчисининг процессуал-ҳуқуқий лаёқатини назарда тутилган. *Биринчиси*, фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаро ҳуқуқларга эга бўлиш, ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, шунингдек муайян мажбуриятларга эга бўлиш ва уларни бажариш иқтидори тўлиқ равишда фуқаронинг вояга етиши билан, яъни ўн саккиз ёшга тўлгандан сўнг вужудга келиши ҳақидаги Фуқаролик кодексининг 22-моддасида белгиланган умумий талаблардан келиб чиқса; *иккинчиси*, фуқарога нисбатан хусусий мақом, яъни шахс (иштирокчи) процессуал-ҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келадиган, кечадиган ва яқунланадиган муомала лаёқатини назарда тутлади.

Муаллиф С.В.Кузнецов, Т.С.Кобцов, А.С.Белкин, З.Х.Ғуломов, М.Х.Рустамбоев ва Ж.Вернард каби олимларнинг фикрлари билан мунозарага киришиб, вояга етмаган гувоҳнинг процессуал-ҳуқуқий муомала лаёқатига оид ижтимоий ва табиий хусусиятлар ҳамда уларнинг таснифий белгиларининг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган. Шу асосларда диссертация ишида вояга етмаган гувоҳ тушунчасининг тўлдирилган тарифи шакллантирилиб, муаллифнинг фикрига кўра *вояга етмаган гувоҳ ўзининг ёши билан боғлиқ хусусиятга эга, жиноят иши учун аҳамиятли маълумот соҳиби бўлган ҳамда жиноят ишини юритиш жойига қонунда белгиланган тартибда ва қоидалар асосида чақирилган шахсдир*.

Диссертацияда МДХга аъзо давлатлар, шунингдек “континентал Европа” ва “инглиз” судлови аънаналарига амал қилувчи мамлакатларнинг

норматив-ҳуқуқий амалиётларининг таҳлили асосида, А.Н.Екимовская, С.Ю.Ревтова, М.П.Дудин, С.В.Артемов, Й.Рахимов, Г.А.Пантюхина, Ф.Н.Багаутдинова, Н.И. Порубов, Э.Б. Мельникова, С.С. Чернова, М.Ниёзов, А.З.Кравиев ва бошқа процессуалист олимларнинг мулоҳазаларини таҳлил қилган ҳолда, вояга етмаган гувоҳнинг процессуал мақомини такомиллаштиришни назарда тутувчи илмий хулосалар илгари сурилади, тегишли процессуал-ҳуқуқий нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир (ЖПК 69-70, 121, 122, 125, 132-моддаларига) ҳамда вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишда ёши катта айбланувчининг (гумон қилинувчининг, судланувчининг) бевосита учрашувини чекловчи янги 121¹-моддани жорий этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий ишда жиноят процессида жисмоний ва руҳий нуқсонларга эга шахсларни гувоҳ сифатида жиноят ишини юритишга жалб қилиш, уларни сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, бундай нуқсонларга эга гувоҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари, суд-тергов органларининг жисмоний ва руҳий нуқсонларга эга гувоҳларни жиноят ишига жалб қилиш ва сўроқ қилишдаги ваколатларининг асос ва меҳназимлари таҳлил қилинган.

Диссертацияда таъкидланганидек, сўроқ қилиш тергов ҳаракати жиноят иши ҳолатларига тааллуқли маълумотлар олишнинг процессуал усул ва воситаси ҳисобланиб, гувоҳ (сўроқ қилинувчи бошқа шахс) ушбу маълумотларни “ташувчи” субъектлардир. Жиноят иши ҳолатларига оид маълумотларни “ташувчи” субъектларга қўйиладиган асосий, бирламчи талаб ҳам, уларнинг жиноят ишига тааллуқли маълумотларни тўғри қабул қила олиш қобилиятига, ҳодиса ва ҳолатларни тўлиқ англай олиш иқтидорига, шунингдек ҳолат ва ҳодисаларни жисмонан кузата олиш имконига эга бўлишлари даркор, чунки жиноят ишига тааллуқли маълумотлар “ташувчиси”нинг кўрсатувлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан жиноят ишининг тақдирини ҳал қилиш учун муҳим далилий кучга эга манба, деб топилиши мумкин.

АҚШ, Буюк Британия, Франция, Испания, ГФР ҳамда МДХга аъзо мамлакатларнинг жисмоний нуқсонга эга шахсларни сўроқ қилишни ман этиш, уларга руҳсат бериш процессуал-ҳуқуқий механизмларини таъминлашга оид қоидалар, назарий ёндошувларнинг (Е.В.Ветрила, С.С.Корсанова, М.В.Коркина, Н.Д.Лакосина, А.Е.Личко, П.Т.Петрюк, И.И.Сергеев) таҳлилидан келиб чиқиб, диссертант жисмоний ёки руҳий нуқсонга эга шахсларни гувоҳ сифатида сўроқ қилишни тўлиқ ва аниқ ҳуқуқий тартибга солиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келганлиги асосидажисмоний ёки руҳий нуқсонга эга шахсларни сўроқ қилишни ман этувчи ЖПКнинг 115-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган қоидаларни ислоҳ қилиш зарурлигини асослантирган.

Ишда жиноят ишини юритиш жараёнига жалб қилинган гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласининг ижтимоий ва процессуал-ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқ этилади. Диссертацияда гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи икки: а) *процессуал* ва б) *нопроцессуал* асосларга

таяниши мумкинлиги таъкидланиб, муаллиф *нопроцессуал асосларга* жиноят ишида гувоҳ сифатида иштирок этаётган шахсга, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, зўрлик, мол-мулкни йўқ қилиш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш ёки бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилиниши хавфи туғилган вақтда унинг хавфсизлигини таъминлаш борасида процессуал қонунлар билан тартибга солинмайдиган муносабатлар тегишлидир.

Гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг *процессуал асосларини* гувоҳнинг шахсига оид маълумотларни процессуал жиҳатдан жиноят-судлов ишларини юритишда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини процессуал усул ва воситалар асосида қўриқлаш тушунчаси ташкил қилади. Унинг қаторига шахснинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини ҳамда унинг *яқин қариндошларини* ҳам киритиш мумкин.

Диссертант тадқиқот ишида асосий эътиборни гувоҳларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини процессуал-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммоларига қаратиб, айрим хориж мамлакатлари қонунчилигини таҳлил қилиш асосида мамлакатимиз ЖПКдаги айрим норматив камчиликларнинг таснифий белгиларини аниқлашга ҳаракат қилади.

Тадқиқотчи мазкур нуқсонларни бартараф этиш ҳамда гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал қилишда қуйидаги мезонларни: 1) *жиноятнинг хусусиятлари* (уюшган жиноий гуруҳ аъзолари, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар ва бошқалар); 2) *гувоҳларнинг* (жабрланувчиларнинг) *таснифий белгилари* (бола, жинсий тажовуздан жабрланган шахс, битим тузган жиноий гуруҳ аъзоси ва бошқалар); 3) *айбланувчи ва гувоҳ ўртасидаги муносабатлар даражаси* (қариндош, айбланувчига қарам шахс, айбланувчи раҳбарлик қилган жиноий гуруҳ аъзоси ва бошқалар); 4) *гувоҳга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган зўравонлик ва тазйиқнинг даражаси*; 5) *гувоҳнинг кўрсатувларидаги маълумотларнинг иш учун аҳамияти* назарда тутилиши лозимлигини асосланган.

В.Д.Ларичев ва П.А.Сустретов, Л.В.Брусницин, И.А.Суровенко ва О.А.Чабукиани каби олимларнинг гувоҳларнинг хавфсизлигини процессуал-ҳуқуқий воситалар ёрдамида таъминлашга оид назарий мулоҳазаларини, шунингдек ушбу масалага доир халқаро ҳуқуқий нормаларни (жумладан БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик билан кураш Кўмитасининг “Уюшган жиноятчиликка оид жиноят ишларини юритишда гувоҳларни ҳимоя қилиш соҳаси амалиётига тегишли Тавсиялар”ни, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенцияни) таҳлил қилган ҳолда, ҳуқуқ ва манфаатларига жисмоний ва моддий хавф туғилган гувоҳларга нисбатан таъмин этиладиган процессуал ҳуқуқий воситалар – а) *қисман ёки чекланган махфийлик*; б) *мутлақ ёки тўлиқ махфийлик* турларига ажратилиши лозимлиги эътироф этилиб ҳамда уларнинг тушунчалари ва процессуал-ҳуқуқий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертация ишида таҳаллусга эга гувоҳнинг иштирокини фаоллаштиришга йўналтирилган процессуал-ҳуқуқий меҳназимнинг

